



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 10 июнь, № 111 (6041)

Сешанба

АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ

соҳага ихтисослаштирилган кичик бизнес субъектлари фаолиятида ҳал қилувчи ўрин тутмоқда

МАХАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА



Президентимиз ташаббуси билан 1996 йил 19 июлда Асака шаҳрида фаолият бошлаган дастлабки автомобиль корхонаси Ўзбекистон учун тарихий аҳамият касб этган бўлса, минглаб андижонлик ёшлар учун улкан имкониятлар эшигини очиб берди.

Ўша даврда қилинган истиқболли прогнозларга кўра, саноатнинг юқори технологик соҳаси ҳисобланган автомобиль ишлаб чиқаришида яратилган битта иш ўрни турдош соҳаларда 5-6 та иш ўрни яратилишига олиб келади. Бу ҳаётда ўз исботини топди. Утган даврда "GM Uzbekiston" қўшма корхонаси тўғрисида Андижонда ўнлаб йирик корхоналар ишга туширилди.

Бугун "Ўзавтосаноат" компанияси тасарруфидаги 40 та йирик қўшма корхонанинг деярли ярми Фарғона водийси вилоятларида жойлашган. Улар учун зарур эҳтиёт қисмлар автомобилсозликка

ихтисослаштирилган кичик корхоналар томонидан етказиб берилмоқда. Биргина Андижон вилоятида 100 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида автомобиллар учун зарур бўлган қисмларнинг аксарияти ишлаб чиқарилаётти.

Андижон шаҳрида қарийб 15 йилдан буён самарали фаолият кўрсатиб келатган "Спектр" хусусий корхонаси ана шундай ишлаб чиқарувчилардан биридир. — Бизнинг конвейердан кўш нурида жияланиб турувчи "Ласетти" ёки "Спарк" машиналари чиқиб келмайди, — дейди корхона соловчиси Ш. Расулов.

— Аммо "Спектр"нинг кичкина деталисиз иш битмайди. Дастлаб бу ерда "Нексия" ва "Дамас" учун уч турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда барча турдаги автомобиллар учун 60 хилдан зиёд эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ИФТИХОР

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда соғлом муҳит барқарорлигини таъминлашда хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда.

Ишонч, эъзоз ва рағбат

истеъдодли, интилувчан, шижоатли қизларимизнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамламоқда

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги ислохотларни янада юқори босқичга кўтарди. Тизимда амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар хотин-қизларнинг оилада, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаб, уларнинг интеллектуал-касбий билим ва маҳоратини оширишда ўз самараларини бермоқда.

Шу ўринда иқтидорли қизларимизга кўрсатилган эътибор ва рағбатни алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимиз Фармонига мувофиқ таъ-

сил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти бунинг яққол тасдиғидир. Истеъдодли қизларга берилган бундай нуфузли мукофот фақатгина бизда, мустақил Ўзбекистонда борлиги ҳар биримизни гурурлантиради. Бинобарин, бугунги кунга юртимиздаги кўплаб қизлар аъло хулқи, зукотлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб қобилиятини намойиш этиб, адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларида алоҳида ютуқларга эришиб, шундай юксак мукофот совриндори бўлишди.

(Давоми 4-бетда.)

Сайловчилар билан мулоқот якунлари муҳокама этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда депутатларнинг ўз сайлов округларида олиб борган ишлари, унинг якунлари, шулардан келиб чиққан хулосалар муҳокама этилди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Таъкидлаш керакки, ҳар бир фракция жойларга чиқибдан олдин иш режасини ишлаб чиқди ва депутатлар зарур материаллар ҳамда маълумотлар билан таъминланди. Шу асосда депутатлар томонидан жойларда муносабатлар кўриб чиқилди, фуқаролар қабуллари уюштирилди, сайловчилар билан учрашувлар, меҳнат жамоаларига ташрифлар ташкил этилди. Мазкур жараёнларнинг барчаси марказий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Йиғилишларда кўриб чиқилган масалалар хусусида ҳар бир фракция ўз нуқтаи назарини билдирди.

(Давоми 2-бетда.)

Маркалаш тизими такомиллаштирилмоқда

Ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2013 йил 29 январдаги "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Унда 2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб республикамизга олиб килинадиган истеъмол товарларида ишлаб чиқарувчиларнинг давлат тилидаги маркаси бўлиши шартлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республи-

(Давоми 2-бетда.)

ТАНЛОВ

Пойтахтимизда "Намунали ҳарбийлар оиласи" аънавий кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Намунали ҳарбийлар оиласи

Юртимизда азал-азалдан оила муқаддас саналган. Унга нисбатан жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини, тарбия ўчоғи, деган кўпдан-кўп таърифларнинг қўлланилиши ҳам ўзига хос маъно-маъмулга эга. Яъни ўғил-қизларимизнинг ҳаёт ҳақидаги илк қарашлари, яхшилик ва эзгулик, меҳр-оқибат, ор-номус каби олижаноб тушунчалар, урф-одат ҳамда аъналаримизга бўлган ҳурмат туйғуси айнан шу масканда шаклланади. Одоби, ақл-идроқи, билимли, меҳнатсевар фарзанд эса нафақат ота-онанинг, балки бутун бир жамиятнинг бойлиғидир.

Шу боис ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш, ёш оилаларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, замонавий ҳарбий шахарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қўлай ижтимоий-маиший шароит, инфратузилмаларни яратиб бериш бўйича қабул қилинган дастурлар ана шу мақсадни кўзда тутди. Хозирги кунга қўллаб-қувватлаш ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг бу борадаги гамхўрлиги натижасида барча қўлайликларга эга шимам уй-жойлар ва бошқа зарур инфратузилма объектлари билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда.)

«Ўзбекистон қисқа давр ичида озиқ-овқат ва галла мустақиллигига эришгани эътирофга лойиқ»



«O'ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT DASTURINI AMALGA OSHIRISHNING MUHIM ZAXIRALARI»
XALQARO KONFERENSIYASI

Сўз — халқро конференция иштирокчиларига

Питер БАТТОН, Усимликларнинг янги навларини ҳимоя қилиш халқаро иттифоқи вице-котиби (Швейцария):

— Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳалари каторида қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритаяпти.

Мазкур нуфузли анжуман улардан бохабар бўлиш, бу борада тўпланган бой тажриба билан яқиндан танишиш имконини берди. Айниқса, халқаро конференциянинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримовнинг нутқини катта қизиқиш билан эшитдик. Унда озиқ-овқат захираларининг

бугунги кундаги долзарб масалалари, Ўзбекистонда ушбу йўналишда олиб борилаётган оқилона сиёсат, сабзаёт, мева ва узум етиштириш бўйича тўпланган катта салоҳият, соҳада мавжуд муаммоларни ечиш ҳамда глобал озиқ-овқат дастурини ҳамда татбиқ этишда мамлакатингизнинг қўшаёт-

ган ҳиссасини ошириш имкониятлари ҳақида янада муфассал маълумотлар тақдим этилди. Ана шундай узокни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар натижасида юртингиз қисқа давр ичида озиқ-овқат ва галла мустақиллигига эришгани эътирофга лойиқ. Бундан ўрнак олса арзийди.

Фритц ван дер ХААР, Эмори университети профессори (АҚШ):

— Ҳозирги даврда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захираларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат учун ҳаётий аҳамиятга эга. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган мазкур анжуман бу борада салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган Ўзбекистоннинг тараққиёт моделидан чуқурроқ хабардор бўлишда айна мудоаодир. Бинобарин, йирик тадбирнинг очилиш маросимида давлатингиз раҳбарининг нутқини диққат билан тингладик, катта таассурот олдик.

(Давоми 2-бетда.)

ҚУЛАЙЛИК

Шу кунгача Фарғона ва қадимий Бухоро шахарларини боғлаб турувчи ягона тармоқ — узок масофага чўзилган автомобиль йўллари эди.

«Фарғона — Бухоро» авиақатнови йўлга қўйилди

Эрта тонгда Қамчиқ довоини оша ҳаракатланган транспорт воситаси пойтахт орқали Бухоро заминига етгунигача кеч кириб, қарийб минг километр йўл босиб ўтилади.

Эндиликда эса ана шу манзилларга бориш учун маълум дақиқалар кифоя қилади. Бундай имконият ҳар икки шаҳар ўртасида авиақатнов йўлга қўйилиши тўғрисида юзага келди. «Бухоро — Фарғона», «Фарғона — Бухоро» йўналишидаги мазкур авиарейс ҳафтадан ҳар жума кунини амалга ошириляпти. Барча қўлайликка эга 54 ўринли замонавий "Ил-114" самолёти йўловчилар хизматида.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Фарғона аэропортидан дунёнинг ўнлаб шаҳарларига ҳаво лайнерлари қатнови йўлга қўйилган.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар ва экология

Тошкент шаҳридаги "Локомотив" истироҳат боғида "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ҳамда 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини муносабати билан ташкил этилган "Экоҳафталик — 2014"нинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК

Унда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда аънавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур

йирик лойиҳа атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ҳужжатлар ижросини таъминлаш, жамоатчилик кучини экологик муаммолар ечимига йўналтириш, ёшларда экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилаётгани билан гоётада аҳамиятлидир. Ай-

ника, бу галги ҳафталик ўзининг ранг-баранг дастурлари билан нафақат юртимиз ёшлари, балки саноат корхоналари жамоаларининг катта қисмини ҳам қамраб олди.

Дарҳақиқат, етти кунлик экологик тарғибот ишларида деярли ҳеч ким четда қолмади. Пойтахтимизда "Инсон, жамият, экология" мавзuida ёшлар конференцияси, Наманган вилоятида "Инсон, жамият, экология" мавзuida ёшлар конференцияси, Наманган вилоятида экология соҳасидаги таълим истиқболларига бағишланган семинар-тренинг,

(Давоми 4-бетда.)



Озиқ-овқат дастури: Мамлакат тараққиёти, иқтисодиёт барқарорлиги ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси

Тошкент шаҳридаги муҳташам Симпозиумлар саройида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзuida халқро конференция бўлиб ўтди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, ҳақонда камдан-кам учрайдиган табиий тупроқ-иклим шароитларининг уйғунлиги туфайли дунёдаги энг маза ва энг фойдали мева-сабзавотлар минтақанингизда етиштирилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларига ушбу йрик форумда иштирок этганларнинг барчаси тўлиқ кўшилиди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўлман.

Сир эмас, кўплаб жабҳалар, хусусан, агросаноатда ижобий натижа кўлга кiritиш осон кечмайди. Оддийгина урунни ерга қадаш ёки ниҳолни ўтказиш билан иш битмайди. Унга катта масъулият ва эътиборни талаб этадиган парвариш керак. Тупроқ унумдорлигини сақлаш, агротехника тадбирлари, тежамкор ва инновацион технологиялар,

илмий изланишлари тадқиқотлардан самарали фойдаланишдан тортиб, зарур инфратузилма, индустрия ва логистика тизимларини яратишга бўлган жараёнларнинг барчаси изчил чора-тадбирлар қўриш, машаққатли меҳнат қилишни тақозо этади. Ўртингизда бу амаллар оғишмай рўёбга чиқарилаётгани ўз самарасини берапти.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан сайлов округларидаги учрашуларда юртимизда ишбилармонлик муҳитини

рилаётган кенг кўламли ишларга ургу бердилар. — деди **ЎзХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Деф** фракцияси аъзоси **Назира Матқубова**. — Хусусан, Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси доирасида касб-хунар коллежалари битирувчиларини ўз мутахас-

жатлар, куйи палатада ишлаб чиқариётган қонун лойиҳалари, парламент назоратини ривожлантириш, буларда депутатларимиз иштирокини кучайтириш масалалари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси диққат-эътиборида бўлди.

Фармон ва қарорлари, “Соғлом бола йили” Давлат дастури мазмун-моҳияти, ижросига муфассал тўхталиб ўтилди. Шулар баробарида, учрашуларда партия дастурий голяри асосида серкўш дийримида муқобил энергия манбаларини ривожлантириш имкониятлари, соҳага оид

«Ўзбекистон қисқа давр ичида озиқ-овқат ва ғалла мустақиллигига эришгани эътирофга лойиқ»

Лийнинг НИУ, Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш институти тадқиқотчиси (Хитой):

— Айни пайтда Ер юзиде аҳоли сони кўпайиб борапти. Бу эса озиқ-овқат, хусусан, қишлоқ хўжалиги махсулотларига бўлган талабни ҳам оширмақда. Боз устига, кўплаб минтақаларда юз берган табиий офатлар, сув тақчиллиги, қурғоқчилик, инқироз асоратлари ҳақон бозориде бирламчи эътиҳ махсулотлари янада қимматлашувиға сабаб бўлаёттир. БМТ ахборотиға кўра, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи тўйиб овқат емапти.

Бу муаммоға ечим топиш учун кўплаб изланишлар олиб борилапти. Инсоннинг тўйиб овқатланишиға эришишға қаратилган лойиҳалар ҳаётта таъбиқ этилмоқда. “Истеъмол савати”нинг мақбул тузилмасини шакллантириш, инновацион технологияларни амалиётға жорий этиш, тупроқ унумдорлиғи, экинлар ҳосилдорлиғини кўпайтириш чоралари қўрилмақда. Шу маънода, озиқ-овқатнинг муҳим захираларини шакллантириш, тегишли инфратузилмаларни ривожлантириш буйича Ўзбекистон тажрибаси ибрат қилиб кўрсатишға арзиғуликдир. Ушбу конференция айнаи шу тажриба билан муфассал танишиш имкониятини берди, десам, янглишмайман.

Имре ХУБАИ, Венгрия қишлоқ хўжалик тармоғи палатаси вице-президенти:

— Серкўш Ўзбекистон заминиде етиштирилдиган мева-сабзавот, полиз нематлари, гўшт ва сут, улардан тайёрланаётган махсулотлар ўзининг хуш таъми, витаминларға бойлиғи, экологик софлиғи билан алоҳиде ажралиб турар экан. Бунға бозорлар, интенсив боғлар ва санаот корхоналарига бориб, тўлиқ амин бўлдиқ. Айниқса, бозорлар тўкинлиғи ҳайратим-ноширди. Бу мамлакатнингиз иктисодий тараккиётнинг ёрқин кўзгусидир. Гилос, ўрик, тарвуз-

нинг таъми тилимда қолди. Самарқанд нонларининг таърифи ҳақиде ҳам узоқ гапириш мумкин. Қишлоқ хўжалиғи, озиқ-овқат санаотиға эришилаётган ижобий натижалар, аҳоли саломатлиғини мустаҳкамлашдаги ютуқларнинг боиси нимада, деган саволға анжуман очилиш маросимиде давлатингиз раҳбари нутқини диққат билан тинглаб, жавоб олдим. Унда Президент Ислам Каримов томонидан ўзбек халқининг меҳнатқашлиғи, мард ва олижаноблиғи, меҳмондўстлиғи ҳақиде бағрикенглиғи бу борадағи энг асосий, ҳал қилувчи омил эканлиғи алоҳиде таъкидлаб ўтилди.

Одамларингиздағи мана шундай фазилатларға барча қатори мен ҳам бевосита гувоҳ бўлдим. Ўз навбатида, халқаро конференция сабаб юртингиздағи меъморий обиделар, тарихий ёдгорликлар бетакорорлиғидан ҳам олам-олам завқландим. Дийрнингиздағи осуда ва фаровон ҳаёт, одамларингиз юзидеғи самимий табассум ва бахтиёрликдан қувват олдим, рухландим. Бундай юртда яшаш улкан бахтир.

Нуфузли форум ишида соҳаға оид барча жиҳатлар қамраб олингани, у юксак савияда ўтказилган иштирокчилар мамнун бўлганини алоҳиде айтиб ўтмоқчиман.

Ясүхиса КУНИМИ, Токио қишлоқ хўжалиғи ва технология университетининг таълим буйича вице-президенти (Япония):

— Ўзбекистонға тез-тез келиб тураман. Бу ердағи ўзгаришлар, одамлар кўзидеғи шодлик, халқингизнинг меҳмондўстлиғи кишиға катта куч, маънавий қувват бахш этади. Шуни алоҳиде айтиб ўтишни истардимки, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этганимдан беҳад хурсандман.

Таълим муассасамиз Ўзбекистон Миллий университетини билан ҳамкорлик қилиб келади. Шу ҳамкорлик туфайли юртингизда давлат раҳбари эътибори, Фармон ва қарорлари асосиде қишлоқ хўжалиғи,

озиқ-овқат индустрияси жадал раванқ толаётганидан хабардорман. Айни чоғда Ўзбекистонда озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонлар оптималлаштирилиб, махсулот етиштиришни кўпайтириш, ҳосилдорлиғини кўтариш чора-тадбирлари қўрилаётгани, соҳада тадбиркорлар, инвесторларға катта имтиёзлар, преференциялар тақдим этилаётгани алоҳиде аҳамиятға молик. Бу эса халқ учун зарур бўлган сабзавот, полиз, картошка, узумчилик ва боғдорчилик махсулотларини етказиб бериш ҳажмини оширишда айнаи мудоадир. Аҳоли фаровонлиғи, саломатлиғи, келажағи йўлида мана шундай оқилонга сиёсат олиб борилаётгани озиқ-овқат махсулотлари тақчиллиғи, уларнинг нархлари ошиб кетишининг олдини олишда муҳим мезон ҳисобланади.

С. ҚОСИМЖОНОВ ёзиб олди.

Намунали ҳарбийлар оиласи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиғи қўшинларида ўтказиб келинаётган “Намунали ҳарбийлар оиласи” кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам ҳарбий хизматчилар оилалари ўртасиде миллий аънама ҳамда қадриятларни,

соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Танловнинг бу галги якуний босқичида 7 та оила иштирок этди. Улар таништирув, саҳна кўриниши, билимдонлар баҳси шартлари буйича ўзаро беллашди. Ҳайъат аъзолари хулосасига кўра, сержант Ихтиёр Икромов оиласи биринчи ўринни кўлга киритди. Кичик сержант Ҳамиджон Бекмуратов оиласи иккинчи, капитан Жаҳонгир Пармонов оиласи эса учинчи ўринға лойиқ, деб топилди.

Ғолиб ва совриндорлар махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. **Шавакат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Тадбиркорлар манфаатлари ва мустаҳкам ҳуқуқий асос

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида соҳаға тегишли янги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва уларни фуқароларға етказиш ҳамда тизим фаолиятиға жорий қилинаётган янгликларға бағишланган анжуман ўтказилди.

АНЖУМАН

Таъкидлангандек, юртимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иктисодиётни либераллаштириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўзаро рақобатни кучайтириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришға қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятиға тўсиқ бўлаётган айрим ҳолатларни бартараф этиш баробарида, иктисодиёт соҳасиде қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбозарликларнинг олдини олишға қаратилган қонун ҳужжатлари

ишлаб чиқилиб, амалиётға татиқ қилинмоқда. Жорий йил 14 майдағи “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун шулар жумласидандир. Унга кўра, Ҳўжалик процессуал кодексига муайян ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, ҳўжалик судларида суд мажлисларини видеоконференцалока режимида ўтказиш тартиби ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Шундан келиб чиқиб, тадбирда видеоконференцалока тизими имконияти ва афзалликлари ҳақиде

атрофлича сўз юритилди. Мазкур тизим суд ишида иштирок этувчи шахсларға ўзлари жойлашган ҳудуддан чиқмасдан, вақт ва маблағларини тежаган ҳолда, суд жараёнида иштирок этиш имкониятини яратиши билан бирға, судда ишларни кўришда тезкорликка ва процессуал муддатлар тежалишиға замин ҳозирлайди. Қолаверса, вилоятларда фаолият юритаётган тадбиркорлар ва фуқаролар учун Олий ҳўжалик суди раҳбарияти шахсий қабулларини ташкил этишда айнаи мудоадир. Ҳўжалик процессуал кодексидеғи ушбу янгликлар 2014 йилнинг 1 сентябридан эътиборан амалға кириди. Анжуманда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 16 майдағи қарори билан ҳўжалик судларига берилдиган даъво аризаларининг, ундирилдиган давлат божи ставкаларига киритилган ўзгаришлар ҳусусида ҳам атрофлича маълумот берилди. Ушбу қарорға мувофиқ, ҳўжалик судларига берилдиган мулкий тусдағи даъво

АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ

соҳаға иктисослаштирилган кичик бизнес субъектлари фаолиятида ҳал қилувчи ўрин тутмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корхона буюртмачилари орасида “GM Uzbekistan”дан ташқари, “УзСемюнг”, “УзТонг Хонг”, “УзДонг Вон” қўшма корхоналари ҳам бор. Бу каби миқозлар талабига тўла жавоб бериш учун “Спектр”да сифат назорати тизимини такомиллаштиришға алоҳиде эътибор қаратилди. Шу боис корхона “GM Uzbekistan”, “УзСемюнг”, “УзТонг ХонгКо”, “УзДонг Вон” томонидан “Энг яхши бутловчи қисмлар етказиб бериш” сифатида эътироф этилиб, қатор йиллар давомида сертификатлар билан тақдирланди. 2012 йилда эса хусусий корхонада сифат назорати тизимининг янгиланган халқаро ISO/TS 16949:2009 стандарти жорий этилди.

— Олти йилдан буюн Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият кўрсатиб келамиз, — дейди корхона директори Ислам Широв. — Солиқ ва божи тўловларидан берилган имтиёз ва преференциялар эвазига иктисод қилинган маблағларға 2013 йили 250 тонналик пресс дастгоҳи сотиб олдиқ. Бу эса ўтган йилда 13 турдағи янги бутловчи қисмларни ўзлаштириш имконини берди.

Эътиборлиси, жорий йилнинг биринчи чорағида “Спектр” хусусий корхонаси буюртмачиларға 270 миллион сўмлик махсулот етказиб берди. Шунинг ўзиёқ ушбу корхонанинг истиқболи порлоқ эканлигидан дарак бериб турибди.

Саидхўмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Маркаш тизими такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу рўйхатдан гўшт ва сут махсулотлари, табиий асал, мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган махсулотлар, ёғ ва ўсимлик мойлари, шаклар ва қандолат махсулотлари, дори-дармон ва ичимликлар, маиший техника ва ошхона жиҳозлари, болалар ўйинчоқлари сингари кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган муҳим истеъмол моллари ўрин олган. Уларнинг марказида асосий истеъмол хусусиятлари, ишлаб чиқарилган санаси, ишлаб чиқарувчининг қанолат мажбуриятлари, фойдаланиш қоидалари, яроқлик муддати, корхона манзили ва бошқа зарур маълумотлар бўлиши керак.

2014 йилнинг ўтган 5 ойи давомида ана шу талаблардан келиб чиқиб, жами 812 миллион АҚШ долларлик истеъмол моллари импорт қилинди.

— Эндиликда тадбиркорларимиз хорижий ишлаб чиқарувчилар билан шартнома тузиш жараёнида товарларни юртимизға олиб киргунгача давлат талабига маркази талабини назарда тутишлари зарур, — дейди Давлат божиноа кўмитаси Марказий божиноа лавораторияси бошлиғи Б. Абдуғаниев. — Негаки, уларнинг тўғрилиғи ва тўлиқлиғи импортёр ҳамда сертификатлаштириш буйича аккредитация қилинган органлар жавоб беради.

Афсуски, белгиланган қонун-қоидаларға амал қилмасдан, сифатсиз махсулотларни олиб киришға уринаётган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Шу йилнинг ўтган даврида республикамиз божиноа лавораторияси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда 243 та шундай қонунбузарлик ҳолати аниқлиниб, белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Соид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Этиборли томони, бугунги кунда улар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштироки, ташаббускорлиги билан барчага ўрнак бўлаётди. Хусусан, 2000 — 2014 йиллар давомида 212 нафар киз мазкур мукофотга сазовор бўлган бўлса, совриндорларнинг 100 нафардан зиёди академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртиларида тахсил олмоқда.

ладиган бўлса, айни пайтда 7 нафар совриндор Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоллигига, ўн нафарининг энг сара ижод намуналари эса китоб шаклида нашр этиш учун "Ижод" фондига тавсия қилинди.

Қолаверса, жорий йилда Хотин-қизлар кўмитаси ва "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида мукофот совриндорларидан 40 нафарининг тиббиёт, ҳуқуқ, интернет-журналистикаси, "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига таъ-

Мақсад сари йўл

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш халқ таълими тизимининг пировард мақсади ҳисобланади. Битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олишда ўқув муассасалари ва ота-оналар ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

ТАЪЛИМ

Коллеж ва лицейлардаги мавжуд мутахассисликлар, таълим муассасалари имкониятлари ҳақида битирувчиларни хабардор этиш, улар орасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ўқувчиларнинг муқтадир равишида ўз иқтидори ва истеъдодидан келиб чиқиб касб танлашларида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори иш фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Айни пайтда мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилиш, уларни касб-хунарга йўналтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда бир неча бор "Очик эшиклар кун" тадбирларини ўтказди. Мазкур тадбирларда ўқувчилар



ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этиди. Қолаверса, ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилаётган "Орзуимиздаги касбим — боғим", "Муштақам оила", "Касб танлови", "Танлаган касбинг — ҳаёт йўлинг" ва "Касб танлашда адашма!" сингари мавзулардаги тренинг машғулоти ҳам яхши натижалар бераётди. Умумтаълим мактабларининг 8 ва 9-синф ўқувчилари ўртасида "Мен орзу қилган касб" мавзусида ишолар танлови ўтказилди. Ушбу тадбирлар доирасида "Оталар йиғилиши", "Очик эшиклар кун", "Касблар фестивали", академик лицей ва касб-хунар коллежлари, ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларга саёҳатлар, ўз меҳнати ва фидойилиги туфайли

обрў-этибор қозongan кишилар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Табиийки, бундай тадбирлар ёшларнинг ўзларида мус касб-хунар танлашларида қос келадди. Ёшлар — юрт келажаги. Демак, уларнинг касб-кор танлашда тўғри йўлдан боришларига жавобгарлик ҳисси ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш масаласига жойлардаги маҳаллий ҳокимлик вакиллари, кенг жамоатчилик ҳам жалб қилинганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, маҳалларда махсус нозорат дафтари юритилиши, унда ушбу ҳудудда яшовчи ҳар бир битирувчининг умумий ўрта мактабдан кейинги фаолияти маҳалла фаоллари, участка нозирлари, жамоатчилик вакиллари ва мактаб маъ-

мурияти билан ҳамкорликда доимий равишда нозорат қилиб боришмоқда. Қолаверса, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ўқувчиларни 2014/2015 ўқув йили учун академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш электрон дастури ишлаб чиқилган.

Бугунги кунга қадар ҳар бир мактабда битирувчилар ва уларнинг ота-оналаридан фарзандлари қайси академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиш истагини билдирганлиги ҳақидаги аризалари асосида (шаҳодатномадан ташқари) йиғма ҳужжатлар жилди шакллантирилди. Маълумки, бу йил республикамиз бўйича жами 501 минг 234 нафар ўқувчи 9-синфни битирди. Утказилган сўровнома натижаларига кўра, уларнинг 44 минг 393 нафари академик лицейларда, 456 минг 841 нафари касб-хунар коллежларида ўқиш истагини билдирган. Қолаверса, республика бўйича имконияти чекланган ва яқна тартибда уйда тахсил олаётган 2651 нафар битирувчи ўртасида ҳам сўровнома ўтказилди. Шу асосда соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда уларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил этилди.

Муҳтасар айтганда, бундай тадбирлардан кўзланган мақсад, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, наврон авлоднинг билимли, касб-корли ва соғлом бўлиб камол топишини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

Камол ҒАФУРОВ,
Халқ таълими вазирлиги хузуридаги республика Ташхис маркази раҳбари.

Маданият хабарлари



Тошкент Фотосуратлар уйида миллий матолар кўргазмаси бошланди.

Миллий матолар жозибаси

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, "Осиё рамзи" Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, "Ўзбекистон саноат" давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда тўқимачилик соҳаси, хусусан, матолар ишлаб чиқишдаги новаторлик аъёнлари намойиш қилинмоқда.

Кўргазмада институт талаба-ёшларининг изланишлари, миллий газламалар ва кийим-кечак коллекцияларидан намуналар, эскиз ҳамда чизмалар, пахта ва ипак хом ашёсидан тайёр махсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёни акс эттирувчи фотосуратлар, плакатлар ўрин олган. Шунингдек, ёш дизайнерларнинг ижод намуналари ҳам намойиш этилаётди. Тадбир доирасида ўзбекистонлик ва французиялик мутахассислар иштирокида "Кийим матоларида инновацион технологиялар" мавзусида илмий-амалий анжуман, маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Олтинқул туманида янги — "Олтин соҳил" маданият ва истироҳат боғи иш бошлади. Ушбу оромгоҳ Соғлом бола йилида фарзандларимиз учун муносиб тўхта бўлди.

«Олтин соҳил»нинг илк меҳмонлари

Бутунлай қайта қурилиб, янгидан иш бошлаган маданият масканидан кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Техник ва маънавий жиҳатдан эскирган жиҳозлар ўрнини замонавийлари эгаллади. Уч ярим гектарлик боғ ҳудудига 15 минг туپдан зиёд гул кўчатлари ўтказилди, 1800 квадрат метр масофадаги йўлакларга плиткалар ётқизилди. Юздан зиёд ўриндиқлар ўрнатилди. Кўнгиллар завок бағишлайдиган кўркам фаввора ишга туширилди. Яна бир жиҳати, 200 дан зиёд ёритқич ва чироқлар боғнинг тунги вақтда ҳам чароғон бўлишини таъминлайди.

"Олтин соҳил" маданият ва истироҳат боғи нафақат хушманзара ҳамда сўлим маскан, балки аҳоли, айниқса, ёш авлод мириқиб дам оладиган, маданий ҳордик чиқариб, интеллектуал салоҳиятини юксалтирадиган мажмуага айланди. Учин келажакда бу ерда замонавий амфитеатр, мини-футбол стадиони, ҳайвонот бурағи ташкил қилиниши, шунингдек, теннис корти ҳамда катмаранли кўл ишга туширилиши режалаштирилган.

Дилфуза ҚАРШИБЕКОВА.

Ишонч, эъзоз ва рағбат

истеъдодли, интилувчан, шижоатли қизларимизнинг жамиятдаги мавқеини янада мустақкамламоқда

Шулардан 8 нафари Ўзбекистон Президенти стипендияси, 10 нафари Навоий, Ибн Сино стипендиялари совриндоридир. Шунингдек, уларнинг 32 нафари вазирик, идора ва ташкилотларда, 8 нафари сиёсий партияларда, 11 нафари ўқув юртиларида, 22 нафари марказий ва ҳудудий матбуот нашрларида фаолият юритаётди. 20 нафардан зиёди эса ўз фаолиятларини спортнинг бир қанча йўналишларида давом эттириб, Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионатларида, қатор халқаро мусобақаларда голибликни қўлга киритиб келмоқдалар. Совриндорларнинг акасирият қисми "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол ва ташаббускор аъзолари.

сири, электрон адабиётларни тарғиб этиш, мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш каби долзарб мавзуларда тайёрлаган ўзбек ва хорижий тиллардаги маъруза ҳамда мақолалари асосида "Илм-фан тараққиёти ва ёшлар" номи илмий тўғлам нашр этилиб, тақдимоти ўтказилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсақ, Зулфия номидаги Давлат мукофоти муносиблар ичида энг муносибларига берилмоқда. Яна бир этиборли томони шундаки, танловда иштирок этган, бироқ сўнгги босқичда етарлича баҳо ололмаган иқтидорли қизлар ҳам этибордан четда қолаётгани йўқ. Улар ҳам, ўз навбатида, Хотин-қизлар кўмитасининг "Иқтидорли қизлар захираси" таркибига киритилиб, жамоат ишларида жалб этилмоқда. Мақсадимиз қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари кўмаклашиш экан, албатта, бунда уларнинг маҳаллалар, оилалардаги тинчлик ва осойишталик, меҳроқибат муҳитини мустақкамлаш, баркамол авлоднинг тарбиялашдаги масъулиятини оширишимиз ҳаётий заруратдир.

Гулнора МАРУФОВА,
Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари.



Журналистлар учун медиа-тренинг

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида "Ёш журналистлар медиа-тренинги" бўлиб ўтди.

ЛОЙИҲА

Мазкур лойиҳада "Камолот" ЁИХнинг ҳудудлардаги матбуот хизматлари ходимлари, журналистикага қизиқувчи йигит-қизлар матбуот, телевидение, радио ва интернет бўйича ташкил этилган маҳорат сабоқларида қатнашди. Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий телерадиокомпания, Журналистлар ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уштурулди.

Медиа-оромгоҳ очилиши муносабати билан ўтказилган маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар учун барча шарт-шароитни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашди. Хусусан, ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, маҳорат сабоқлари олис ҳудудларда камол топаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бинобарин, Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган бу каби ташаббуслар мамлакатимизда соғлом авлодни ҳар

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ёшлар ва экология

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

ишлаб чиқаришга чиқитсиз технологияни жорий қилган "GM Powertrain Uzbekistan" кўшма корхонаси ҳамда тежамкор технологиялар татбиқ қилинган Жиззах вилоятидаги фермер хўжаликларида медиатурлар, Тошкент, Қарши ва Нукус шаҳарларида илмий-амалий анжуманлар, шунингдек, экологик акциялар ўтказилгани бунинг яққол далилидир.

ташкил этилган экологик тоза махсулотлар кўргазмаси йиғилганлар учун қутилмаган совға бўлди, дейиш мумкин. Унда пойтахт вилоятида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари жамоалари фаол қатнашди. Тадбир "Табият — болалар нигоҳида" кўрик-танлови голиблари ҳамда ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланилаётган илгор саноат корхоналарини тақдирлаш маросими билан якунланди.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

Бухоро: Меҳрибонлик уйида тарбияланган Акмал Давронов учун Соғлом бола йили бир умр ёдда қоладиган бўлди. Унинг никоҳ тўйи қўшалоқ байрамга айланди, яъни ушбу ёш оилага янги уй қалити топширилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 356 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Буранов.
Мусахҳаҳ — С. Исмолов.

Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5

«ФАРОВОНЛИК»
ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

2014 йил 20-21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
Тошкент шаҳрида

ЎТКАЗИЛАДИГАН ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ЎЗ ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КУРИНГ.

10 дона Chevrolet Malibu
10 дона Chevrolet Captiva
10 дона Chevrolet Cobalt
5 дона Tractor
5 дона Tractor
1 113 735 та пул ютуқлари
625 дона
625 дона
1725 дона
625 дона
625 дона

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
ПОТЕРЕЯ БИПЕТИНИНГ НАРҲИ — 5 000 СЎМ.

(+99871) 273-03-04 ПОТЕРЕЯ БИПЕТЛАРИНИ НАҚД ПУЛГА ЁКИ ПУЛ УТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГIZ МУМКИН.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77 Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60 Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48 Андижон вилояти (8-374) 228-46-20 Наманган вилояти (8-369) 223-19-32 Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50 Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53 Навоий вилояти (8-436) 770-35-49 Фаргона вилояти (8-373) 244-08-41 Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33 Самарқанд вилояти (8-366) 229-39-73 Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жиҳозларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар бир банк иш кунинда, 100 000 сўмдан юқори бўлган ютуқлар, билетларнинг экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб бир ой ичида берилди. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб 100 кун давомида тўловга қабул қилинади ва ушбу муддатдан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Балоғат ёшига етмаганларга лотереяда иштирок этишга йўл қўйилмайди.

Хизматлар лицензияланган